

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана




Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган

E-mail: uzss@inbox.ru

2008 йил 1-7 август № 30 (598)

Жума кунлари чиқади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-Республика клиник шифохонасининг малакали кадрлари операция жараёнида.



Тиббиёт ютуғи

МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ ОРТИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Ҳаёти қил устида турган она-бола соғлиғи тажрибали шифокорларимиз томонидан сақлаб қолинди

Кейинги пайтларда республика тиббиёт тизимида кўплаб муваффақиятли фаолиятлар амалга оширилиб, инсон манфаатлари ва унинг саломатлиги йўлида муайян ишлар қилинмоқда. Айниқса, тиббиёт муассасаларининг замон талаблари даражасида таъмирланиб, янги технологиялар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланганлиги аҳоли орасида касалликларнинг олдини олиш, шунингдек, халқнинг тиббий саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш

илмий текшириш институтидаги фаолиятлар ҳам бундан мустасно эмас. Таъкидлаш жоизки, институт биноси қайтадан таъмирланиб, замон талабларига жавоб бера оладиган янги технологиялар билан жиҳозланди. Шунингдек, дастурга мувофиқ, кадрлар масаласига эътибор қўйилиб, улар учун керакли шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Бунинг исботи сифатида шунини айтиш лозимки, кўни кеча институт ходимларининг саъй-ҳаракатлари ва билимий тажрибалари туфайли она-бола ҳаёти сақлаб қолинди.

(Давоми 2-бетда).

Реализация постановления

Во исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан № ПП-700 осуществляются большие дела, в реализации которых руководствуются главной целью — совершенствование системы здравоохра-

нения страны. В данном деле особое внимание уделяется подготовке качественных квалифицированных кадров, которые будут вести деятельность соответственно своему мастерству.

ПРОФЕССИОНАЛИЗМ — ЗАЛОГ УСПЕХА В ТРУДЕ

А для реализации пункта №6 данного постановления в Министерстве здравоохранения Республики Каракалпакстан, управления здравоохранения областей и г. Ташкента полностью упразднены централизованные бухгалтерии. В установленные Министерством финансов Республики Узбекистан сроки завершены составление сводных бухгалтерских отчетов и балансов за 2007 год, а также осуществлены регистрации смет расходов и штатных расписаний медучреждений за 2008 год в финансовых органах республики. Для специалистов, желающих более глубоко изучить данную сферу, предоставляется

возможность обучиться на специальных курсах.

В настоящее время в соответствии с утвержденным графиком завершена аттестация 832 финансово-бухгалтерских работников ЛПУ в Республике Каракалпакстан, Бухарской, Ташкентской, Ферганской, Джизакской, Кашкадарьинской, Хорезмской, Навоийской и Сырдарьинской областях. Аттестация является определенной проверкой знаний, опыта и способностей в рабочей деятельности. А значит, данное событие проводится для того, чтобы обеспечить всю систему действительно опытными кадрами. В результате аттестации, которая была проведена в выше-

перечисленных регионах, выявлено, что 610 работников соответствуют занимаемой ими должности, 154 — условно, а 21 работник не прошел аттестационную комиссию. Итак, ознакомившись с данной информацией, можно прийти к выводу, что качество работы зависит от профессионализма специалистов. А наша задача заключается в том, чтобы обеспечить всю систему здравоохранения именно квалифицированными кадрами.

Саидалим МАХМУДХОДЖАЕВ, начальник управления бухгалтерского учета и отчетности Минздрава Республики Узбекистан.

Дил изҳори

РАҲМАТ СИЗГА, АЗИЗ ШИФОКОРЛАР!

Авалло, халқ соғлиғи учун барча зарур имкониятларни яратётган Президентимиз ҳамда тиббиёт тизими фаолиятини юксалтиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлига ўз ташаккуримни билдираман. Бундай дейишимга яқинда республикаимиз шифо масканларида даволанишим сабаб бўлди...

Кейинги пайтларда соғлигимдаги жиддий ўзгаришлар мени ташвишга сола бошлади. Бундан олти йил олдин Республика Онкология илмий Марказининг маммология бўлимидаги тажрибали шифокорлар томонидан даво муолажаларини олиб, соғайиб кетган эдим. Яқинда бошимдаги қучли оғриқ безовта қилганлиги сабабли, биринчи Республика клиник шифохонасининг асаб касалликлари бўлимига мурожаат қилдим. У ердаги тажрибали тиббиёт ходимларининг тахлилий натижалари бўйича менда асаб касалликлари эмас балки, ичак тутқичининг метостатик ўсмаси туҳумдон кистомаси борлиги аниқланди. Қўйилган ташхис жиддий эканлигини ҳисобга олган клиника бош шифокори Азиз Ибрагимовнинг саъй-ҳаракатлари билан, малакали хирург Мақсуд Маҳмудов бошчилигида Д. Ҳакимова, А. Рустамов, Б. Абдурахмонов каби касбига садоқатли фидойи шифокорлар ҳамда моҳир анестезиолог И. Татарникова мени тезда операция қилишиб, оғир дарддан фориғ эттишди. Шунингдек, операциядан кейинги ҳолатимдан реанимация бўлими бошлиғи Мақсуд Маҳмудов ва бири-бирдан қаққон ҳамширалар Юлдуз Туралиева, Наргиза Содикова ва Севара Каштаева ҳамда кардиологлар Г. Данилина, А. Дўстмухаммедов, О. Черемухина ҳамда А. Қутбидинов ва проктолог Сарабек Раҳмонов соғлиғимни доимий назорат қилиб туришди. Бунинг баробарида асаб ка-

салликлари бўлими шифокорлари, профессор Ханифа Ҳакимова, Мустафо Ҳалимов, бош ҳамшира Насиба Махсумова соғлиғим тикланишида ўз меҳнатларини аямдилар.

Мен юқоридаги қўли енгил, самимий, камтар инсонларга ҳамда мазкур жамоани бошқариб келаётган тажрибали шифокор Азиз Ибрагимовга ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

Сўнгра, муолажаларимни Республика Онкология илмий марказида давом эттирдим. У ерда мутахассисларнинг тавсиялари бўйича химиотерапия ва керакли муолажаларни олдим. Шу ўринда Марказ раҳбари, профессор Саримбек Наврозов, бош врач Дониёр Қосимов, Зиёбек Бекназаров ва химиотерапия бўлими бошлиғи Дониёр Пулатов, малакали гинеколог Наргиза Йўлдошева, тиббиёт фанлари номзоди Сергей Камитов, бош ҳамшира Мамлакатхон ҳамда химиотерапия ҳамшираси Умида Темирова меҳнатидан жуда мамнун бўлдим.

Фахр билан айтмоқчиманки, республикаимиз тиббиёт тизимидаги муваффақиятларнинг қўламини кенгайтиб бораётганини бир сўз билан айтиш қийин. Чунки тизимдаги муассасаларнинг замонавийлашганлиги, янги технологияларнинг қўламини кенгайтиб бораётганини кадрларнинг етишиб чиқаётганлигини даволанишим жараёнида гувоҳи бўлдим. Юқорида тилга олган иккала шифо масканидagi тиббиёт ходимлари меҳнатига тан бердим. Касбига садоқатли бўлган шифокорларнинг кўрсатган ёрдамлари туфайли соғлиғим тикланиб, оилам бағрига қайтдим. Улар меҳнатидан бир умр миннатдорман. Ана шундай ўз касбига садоқатли инсонларнинг машаққатли, аммо масъулиятли ишларига омадлар тилаб қоламан.

Малоҳат НАЗАРОВА,
Тошкент шаҳри.

УШБУ
СОНДА:

БЕМОРЛАР ҚАНДАЙ
ҲУҚУҚ ВА
ИМТИЁЗЛАРГА ЭГА?

3-бет

ВСЕ ЛУЧШЕЕ
ДЛЯ
МОЛОДЕЖИ
6-бет

ДЛЯ ЗДОРОВЬЯ
МАЛЫШЕЙ

7-бет

Тиббиёт ютуғи


МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ ОРТИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Биз бевосита мазкур воқеа тафсилотлари билан яқиндан танишиш мақсадида институтнинг биринчи гематология бўлимига таширф буюрганимизда, фарғоналик бемор Марғуба Аббосова соғлиғига масъул бўлган тажрибали мутахассислар билан суҳбатда бўлдик.

Бўлимга кириб борар эканмиз, аввало, у ердаги беморлар учун яратилган шарт-шароитлар бизни бефарқ қолдирмади. Палаталарда даволанаётганларни кўриб, вужудингиз титрамай иложи йўқ. Айниқса, халқ тили билан айтганда, ўн гулдан бир гули

очилмаган сурхондарёлик 15 яшар қизнинг нафас ололмай қийналиб ётганигига ҳамда унинг ёнида парвона бўлиб турган ота-онасининг кўз ёшларига қараб чидаб туролмадик. Чунки бемор лейкоз касаллигига чалинган экан. Афсуски, бундай беморлар ҳаётини сақлаб қолиш гумон. Лекин ўз вақтида шифокорга мурожаат қилиб келган бемор умрини бир неча йилга узайтириш мумкин.

Келинг, яхшиси юқоридаги саволларимизга жавоб ҳамда она-бола ҳаётини сақлаб қолишдаги жараён тафсилотларини тажрибали мутахассислардан эшитайлик:



Мамура НИГМАТОВА,
олий тоифали шифокор,
биринчи гематология
бўлими бошлиғи.


— Мамура Сайитхановна, бўлим фаолияти ҳамда лейкоз касаллиги ҳақида, шунингдек, она-болага кўрсатилган тиббий хизмат тўғрисидаги фикрларингиз.

— Мана 22 йилдирки гематология соҳасида фаолият юритиб келяпман. Сиз лейкоз касаллиги тўғрисида савол бердингизгўй, лекин вужудимни титроқ босгандай бўлди. Биласизми, бўлими-мизга келган беморлар биздан наҳот кутишади. Уларнинг маънос чекларига қараб, касалликдан фориқ қилиш йўллари излашга тушаман. Шу ўринда айтиш жоизки, гематология йўналишини кенг қиррали бўлиб, унда кечаётган касалликлар турлича. Мутахассис сифатида шунини айтмоқчиманки, қўлаб беморлар бизга келгунча нотўғри даво муолажалари олишади. Оддий қилиб айтганда, кимнидир буридан, милкидан, бақадонидан қон келиш ҳолатлари рўй берса, таналарда шаш, кўкариш кузатилади. Шу давр мобайнида бемор қулоқ-бурун-томоқ, стоматолог ва гинеколог ҳамда дерматолог ва яна бир қанча мутахассисларга мурожаат қилади. Бемор соғлиғини назорат қилган мутахассис таҳлил натижаларини тўлиқлигича аниқламасдан туриб, унга муолажалар ўткази. Афсуски, юқоридаги касаллик белгиларида лейкоз ҳасталиги борлигини ҳам унутмаслик керак.

Муассасамиз асосан 45 койкага мўлжалланган бўлиб, бўлими-мизга шахримиз ва республикамизнинг турли вилоятларидан аҳоли ниҳоятда оғир бўлган беморларни олиб келишади. Уларга 40 нафардан ортиқ тиббиёт ходими хизмат кўрсатади. 12 йилдирки бўлим бошлиғи ва-зифасида ишлар эканман, бугунги яратилган шарт-шароит-

ларни айтиб ўтмасам бўлмас. Авваллари лейкоз касаллиги билан ҳасталанган беморлар даволансада, асосан 1-2 ҳафта яшашган, ҳолос. Қарангки, мустақиллигимиз шарофати билан тиббиёт тизимидаги ислохотларнинг изчиллиги тўғрисида замонавий аппаратларга эга бўлди, шунингдек, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ришталарини боғлаб, тажриба алмашувларини йўлга қўйдик. Шу боис ҳақон стандартлари асосида фаолиятларни жадаллаштирдик. Бунинг баробарида илмий салоҳият ва изланиш-

ташхиси аниқланиб, тезкорлик билан муолажа жараёнини бошлаб юборилди. Муолажа асосан химиотерапиянинг "AIDA" усулидан бошланди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, химиотерапияда соғлом ҳужайраларнинг зарарланиши кузатилади. Бунинг учун биз бу муолажа билан биргаликда, яъни параллель ҳолда кучли антибиотиклар ва вирусга, замбуруғга қарши, шунингдек, қон компонентлари (тромбоцитконцентрат, эритроцитлар масса, қон зардоблари) интенсив ҳолатда олиб борилган бўлса, 45 нафар донордан қон



Элдор ИСХАКОВ,
тиббиёт фанлари номзоди,
даволовчи шифокор:

— Тўғриси-ни айтганда Марғуба Аббосова бўлими-мизга лейкоз касаллигининг жуда оғир тури билан келди. Касаллик ташхиси аниқланган, ҳақон стандартлари асосида бор куч ва имкониятларимизни ишга солиб, муолажаларни тезкорлик билан бошлаб юбордик. Айтишим жоизки, авваллари бутун дунё бўйича лейкоз касаллиги билан ҳасталанган ҳомиладор аёлларнинг туғиши катта муаммо бўлиб,

БОЛАЛАРИМ БАҒРИМДА

Бемор Марғуба АББОСОВА:

— Элдор ўчинчи фарзандим. Ҳомилам етти ойлик бўлгунча менда бундай касаллик аломатлари кузатилмаган эди. Бехосрдан бундай ташхиснинг қўйилиши мени ва оила аъзоларимни ҳавотирга солди. Айниқса, вужудимда юраги уриб турган фарзандимнинг мурғаккина жуссаси кўз олдимга келаверса, уйда қолган икки фарзандимнинг мунгли қарашлари қалбини жумбушга соларди. Соғлиғимдаги жиддий ўзгариш мени ҳаётдан узоклаштиргандек бўлди. Лекин биринчи гематология бўлимидаги тиббиёт ходимларининг бир ой давомида олиб борган саъй-ҳаракатлари тўғрисида соғлиғим ижобий томонга ўзгарди. Уларнинг машаққатли меҳнат ортидаги ютуқлари менга катта бахт келтирди. Аввало фарзандим соғлом туғилди. Мамнуният билан шунини айтмоқчиманки, азиз шифокорлар менга яна оналик бехтини қайтариб беришди. Ойланг бағрида соғ-саломат юрганга ҳеч нарса етмас экан. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гематология ва қон қўйиш илмий текшириш институти жаммаси ҳамда Тошкент Тиббиёт академияси иккинчи клиникасининг туғруқ бўлими ходимларига ўз миннатдорчилигини билдираман.



ларимиз натижасида беморлар ҳаётини сақлаб, улар умрини 10-15 йилга узайтиришга муваффақ бўлиб келмоқдамиз.

2000 йилда Россия давлатининг Гематология марказида бўлиб, у ердаги фаолиятлар ҳамда бир неча бор семинар ва конференцияларда иштирок этиб келяпман. Жорий йилнинг апрель ойида эса Туркия давлатининг Анқара шаҳридаги Байандир хусусий шифохонаси ва давлат тасарруфидаги Онкология марказларида бўлдим. Мазкур марказдаги амалий фаолиятларда иштирок этиб, тажрибани бойитиб қайтдим. Ва ўз фаолиятларимизда ана шу кўникмаларни қўлламоқдамиз.

Шу тажрибаларимиз асосида олиб борган ишларимиз ўз маҳсулини бердики, Фарғона вилоятидан оғир аҳволда келган 32 ёшли ҳомиладор Марғуба Аббосова ва унинг туғилajak фарзандининг (28 ҳафталик) ҳаёти сақлаб қолинди. Бемор бўлими-мизга жорий йилнинг 1 май кuni ўткир промиелойитар лейкоз касаллиги билан келтирилди. Унинг аҳоли ниҳоятда оғир бўлиб, ҳаёти қил устида эди. Бизни қийнаган муаммо шу бўлдики, ҳам онани, ҳам болани сақлаб қолишимиз лозим эди. Тезда институт раҳбарияти ҳамда керакли мутахассислар жалб қилиниб, касаллик

олиниб, беморга қўйилди. Бунда албатта, институт раҳбарияти, қон қўйиш станцияси ва бўлим ходимлари ҳамда бемор ақинларининг ҳиссаси катта бўлди. Она ва бола соғлигини эса ҳар кuni гинеколог кузатиб борди. Бир ой давомида олиб борган тезкор муолажаларимиз ўз маҳсулини бериб, беморнинг суяк илгидидаги (миелограмма) таҳлил натижалари рақ ҳужайралари йўқлигини кўрсатди. Бахтли тасодифни қарангки, Марғубанинг соғлиғидаги катта ўзгариш фарзанднинг соғлом туғилишига сабаб бўлди. Мутахассис сифатида шунини айтмоқчиманки, фаолиятдаги тажрибамизда шунини кўрдикки, ҳар бир кадр ўз устида доимо мустақил ишлаб, изланиб, билимий ва илмий салоҳиятини кучайтириб борсагина, тиббиётда муаммо бўлиб турган ҳар қандай кўнгилсизликларнинг олди олинишига эришиш мумкин.

Республикамиз ҳудудларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари аҳоли орасида лейкоз касаллиги ҳамда бегараз донорлик бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини ўз вақтида олиб борсалар, беморларда кенчаётган касаллик белгиларини тезда аниқлаб, тегишли чораларни кўрсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.



Биз бўлим фаолияти ҳамда ходимларнинг ҳамкорлиги натижасида амалга оширилган самарали ишнинг тафсилотлари билан танишиб қайтар эканмиз, ҳар бир бемор дардига даво бўлаётган тажрибали шифокор у бири-бирини чакқон ҳамширалар ҳамда кичик тиббиёт ходимлари меҳнатидан мамнун бўлиб қайтди. Шу ўринда Марғуба Аббосова ва унинг фарзанди Элдор учун тиним билмай меҳнат қилган ординаторлар Ҳамида Казакбаева, Зулхумор Юнусова, Нигора Турсунова, Нилуфар Абдурахмонова, Азиз Фармонкулов ҳамда ҳамширалар Замира, Фазилат, Ойша, Ақида, Дилдора, Кумри ва Муқаддасхоннинг меҳнатлари катта эканлигини эътироф этиш ҳам ўринли.

Яна шунини айтиб ўтиш жоизки, институтдаги малакали мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари тўғрисида бир йил давомида лейкоз касаллиги билан оғирган уч нафар она ҳамда туғилajak фарзандларнинг соғлиғи сақлаб қолинди. Лекин бемор Марғуба Аббосованинг ташхиси ниҳоятда жиддий бўлса-да, шифокорлар туну кун ушбу касаллик билан курашиб, Ўзбекистон тиббиёти ютуғи нималарга қодир эканлигини кўрсата олишди десак, янглимаган бўламиз. Мустақил юртимиз дунё ҳамжамиятидан ўрин олган экан, тиббиётимиз раҳнақининг ҳам юксалиши чет эллик тиббиёт мутахассислари томонидан эътироф этилаётганлиги бежиз эмас. Зеро, Гематология ва қон қўйиш илмий текшириш институти бундан кейин ҳам инсонлар соғломлигини сақлаш йўлида катта ютуқларга эришади деб, умид билдириб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА, журналист.

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» ижодий танловига

БЕМОРЛАР ҚАНДАЙ ҲУҚУҚ ВА ИМТИЁЗЛАРГА ЭГА?

Бугунги кунда кўпгина фуқароларимизда тиббиёт муассасаларида даволаниш, овқатланиш, дори-дармонларни харид қилиш, пуллик ёки бепул даволаниш тартиби тўғрисида турли савол ва тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда. Бундай ҳолатнинг юзга келиши табиий, албатта. Ана шундай саволларга ойдинлик киритиш мақсадида муҳбиримиз Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Хусусийлаштириш ва пуллик хизмати ташкил этиш марказининг бошлиғи Абдували АГЗАМОВ билан суҳбатда бўлди.

– Кўп ҳолларда беморлар қайси турдаги тиббий хизматларга қандай ҳолларда пул тўлаш кераклигини ва давлат томонидан қандай имтиёзли бепул тиббий хизматлар кафолатланганини билишмайди, натижада аҳоли орасида кўпгина саволлар пайдо бўлмоқда.

– Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек, давлат даволаш-профилактика муассасалари томонидан аҳолига кафолатланган тиббий ёрдам бепул кўрсатилади. Аҳолига давлат томонидан кафолатланган ва бепул кўрсатилиши лозим бўлган тиббий ёрдам ҳажмидан (миқдоридан) ташқари тиббий хизматлар қўшимча ҳисобланади ва белгиланган тартибда пул тўлаш орқали амалга оширилади.

Давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизмат асосан кечиктириб бўлмайдиган шовишлнч тиббий ёрдамда, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлинида ва бир қатор давлат даволаш-профилактика муассасаларида, жумладан, кишлоқ жойларидаги шифо масканларида кўрсатилади. Шу билан бирга аҳолини юқумли касалликларга қарши иммунизациялаш ва эмлаш – ижтимоий аҳамиятга эга ва атрофдагилар соғлиғига хавф туғдирувчи сил, ҳавфли ўсма, рухий, наркологи, эндокринологик ҳамда касб касалликларига дучор бўлган шахсларга, болаларни текширувдан ўтказиш ва даволашда (пуллик муассасалардан ташқари), 15-17 ёшдаги ўсмирларни ҳамда қақирув комиссияларининг йўлланмалари билан қақирққ ёшидаги (18-27 ёш) шахсларни текширувдан ўтказиш ва даволашда; ҳомиладорларга тиббий хизмат кўрсатиш ва даволашда (пуллик муассасалардан ташқари); беморларнинг имтиёзли тоифаларига (ногиронлар, уруш қақирлар, ғирт етимлар ва бошқалар) бепул тиббий хизмат кўрсатилади.

– Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сонли қарорига қўра, қандай беморлар шифохонага ётқизилганда овқатланиш пулидан озод қилинади?

– Мазкур қарор билан стационар шариотда даволаш-профилактика муассасаларида (пуллик муассасалардан ташқари) даволанаётган қуйидаги касалликлар овқатланиш пули тўлашдан озод қилинади: онкологик, сил, рухий, ғиёвандликка дучор бўлган беморлар – ихтисослашган шифохоналарда даволанганда; мохов касаллиги, нурулани касаллиги билан хасталанганлар, юқум-

ли ва эндокрин касалликлар; захм, ОИВни юқтирган (ОИТС); реанимация ва интенсив даволанишни талаб этадиган ҳолатларда, камқонлик касаллигининг барча даражаларига қалинган ҳомиладор ва тўққан аёллар мазкур имтиёзга эга. Шу билан бир қаторда аҳолининг қуйидаги қатламлари стационар шариотда даволаш-профилактика муассасаларида (пуллик муассасалардан ташқари) даволанаётганда овқатланиш пули тўлашдан озод қилинади: болаликдан ногиронлар; ғирт етимлар; I-II гуруҳ ногиронлари; 1941-1945 йиллар уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилганлар; 1941-1945 йиллар меҳнат фронти қатнашчилари; ижтимоий таъминот муассасаларида ҳисобда турувчи яқка-ёлғиз пенсионерлар; Чернобил АЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашган ногиронлар; байналминалчи жангчилар; болалар ва 17 ёшгача бўлган ўсмирлар; мудофаа ишлари бўйича бўлимлар йўлланмалари билан 18-27 ёшдаги ҳарбий хизматга қақирилувчилар.

Ҳукуматимизнинг ушбу қарори билан даволаш-профилактика муассасаларида овқатга пул тўлаш вақтинчалик тартиби қабул қилинган, яъни бемор овқатланиши учун (нонуштадан ташқари) пул тўлаши лозим. Таъкидлаш лозимки, бемор ўз хошияга биноан овқатланишга пул тўлашдан қисман ёки бутунлай бош тортиши мумкин. Овқатланишга пул тўлашдан бош тортиш касалхонага қабул қилмаслик учун асос бўла олмайди.

– Амбулатория шариотида даволанаётган қандай беморларга дори-дармонлар бепул тарқатилади?

– Амбулатория шариотида даволанаётган онкологик, сил, рухий, мохов, эндокрин, ОИВ-ОИТСга қалинган беморлар, юрак қлапани протези қўйилган ва аъзолари қўчирилган, ўзгалар қаровига муҳтож яқка-ёлғиз пенсионерлар, 1941-1945 йиллар меҳнат фронти қатнашчилари, 1941-1945 йиллар уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилганлар, Чернобил АЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашган ногиронлар, байналминалчи жангчилар, ядро полигонлари ва бошқа ядро-радиацион объектиларда ҳарбий хизматни ўтаб пенсия ёшига етган фуқаролар бепул дори-дармонлар билан таъминланади. Юқорида номлари кўрсатилган шахсларга амбулатория-поликлиника муассасаларида даволоч шифокорлар томонидан махсус дориномалар ёзиб берилади ва беморлар ушбу дориномалар асосида дориномалардан бепул дориолар олишлари мумкин. Шунингдек, ушбу муассасаларда фертил ёшидаги аёлларга ҳомиладор-

ликнинг олдини олиш воситалари (контрацепция) мутахассис ақшер-гинекологлар томонидан тиббий кўрсатмаларга биноан бепул берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида асосан кишлоқ жойларидаги аҳолига қулайлик яратиш мақсадида бирламчи тиббий-санитария бўлини негизда қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) ташкил этилди ва керакли замонавий тиббий-диагностик асбоб-ускуналар ва маалакали мутахассислар билан таъминланди. Ҳозирги кунда республикада фаолият кўрсатаётган жами 3000 дан ортқ ҚВПларда аҳолига барча тиббий хизмат турлари бепул кўрсатишмоқда.

– Соғлиқни сақлаш тизимида ислохотларни янада ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий ёрдамини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ 3214-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан ихтисослаштирилган урология, акушер-гинекология, гинекология, кўз микрохирургияси ва ихтисослаштирилган кардиология Марказлари ташкил этилди. Эндикда ушбу муассасаларда замонавий диагностика ва даволаш усуллари билан аҳолига юқори маалакали, ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишмоқда. Айнан ушбу марказларга бепул йўлланма бериш тартиби қандай йўлга қўйилган?

– Мазкур Фармон билан марказларда махсус йўлланмалар (ордерлар) асосида давлат бюджет маблағлари ҳисобига қуйидаги имтиёзли шахслар бепул даволанади: болаликдан ногиронлар, ғирт етимлар, I-II гуруҳ ногиронлари, ёшга оид ишламайдиган пенсионерлар, 1941-1945 йиллар меҳнат фронти қатнашчилари, 1941-1945 йиллар уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилганлар, Чернобил АЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашган ногиронлар, байналминалчи жангчилар, ўз-ўзини бошқариш органларида моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оила аъзолари ҳисобланади. Ушбу имтиёзларга эга бўлган беморларни Марказларда даволанишлари учун махсус йўлланмалар (ордерлар) худудий соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан берилади. Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг устувор йўналишларидан бири бу шовишлнч тиббий ёрдам тизимини ташкил этишдир. Шовишлнч тиббий ёрдам тизимига қарашли Республика шовишлнч тиббий ёрдам илмий Маркази, унинг вилотлардаги 12 та филиали ва шаҳар, туман марказий шифохоналаридаги 171 та бўлимларида аҳолига бепул маалакали тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Республика иқтисодиётининг

бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастурида айрим даволаш-профилактика муассасаларининг бошқича-бошқич ўз-ўзини молиялаштириш тизимига ўтиши белгиланган. Ушбу муассасаларда 2008 йилга келиб, аҳолининг имтиёзли қатламларига кўрсатиладиган бепул тиббий хизматлар салмоғи 20 фоизни ташкил этади ва тиббий хизмат истеъмолчилари 2 гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ – имтиёзга эга бўлган аҳоли контингенти давлат тиббиёт муассасаларида ҳамда ўз-ўзини молиялаштириш тизимига ўтган даволаш-профилактика муассасаларида бепул даволанади. Иккинчи гуруҳ – имтиёзга эга бўлмаган аҳоли контингенти ушбу муассасаларда пул тўлаб ўз соғлиғини тиклайди. Барча ҳолларда беморлар даволаш-профилактика муассасаларига мурожаат қилганда улар билан шартнома тузилиши ва пул тўланганлиги тўғрисида қвитанция берилиши лозим.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида бепул ва пуллик тиббий хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2006 йил 17 майдаги 222-сонли буйруғи билан такомиллаштирилди.

Ушбу буйруқ билан республика аҳолисида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш белгиланган даволаш-профилактика муассасалари рўйхатида тасдиқланган. Булар қаторига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш муассасалари, шовишлнч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни даволаш муассасалари, юқумли касалликларни даволаш муассасалари киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» қонунига асосан ҳамда аҳолини тегишли ахборот ва маълумот билан таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи билан тизимдаги барча тиббиёт муассасаларида ахборот бурчаклари ташкил қилинди ва пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тартиби ва қоидалари, кўрсатиладиган хизмат нархлари, вазирлик томонидан берилган махсус рухсатномалар нусхаси қўйнарли жойларга осиб қўйилди.

– Айтиш лозимки, **кўп ҳолларда беморлар даволаш-профилактика муассасаларида даволаниш жараёнида истеъмолчи сифатида қону-**

да белгиланган ҳақ-ҳуқуқларини билмасликлар натижасида муаммолар келиб чиқмоқда. Бу борада қандай меъёрий кўрсатмалар мавжуд?

– «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги» қонунининг 24-бандига биноан бемор тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган ва тиббий ёрдам олаётган пайтда қандай ҳуқуқларга эга эканлигини яна бир бор таъкидлашни лозим деб топа-миз. Булар қуйидагилар:

– тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳурмат ва меҳр-муруват кўрсатишлари;

– шифокор ва даволаш-профилактика муассасасини танлаш;

– санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шариотда текширувдан ўтиш, даволаниш ва парвариш қилиниш;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилан қўйган тартибда ўз илтимосига қўра бошқа мутахассисларнинг консилиум қилиши ва улардан маслаҳатлар олиш;

– тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлиғининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши;

– тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад этиш;

– ўз ҳуқуқ ва бурчлари ҳусусида ҳамда соғлиғининг ҳолати ҳақида маълумот олиш, шунингдек соғлиғининг ҳолатига доир маълумотларни унинг манфаатини кўзлаган ҳолда берса бўладиган шахсларни танлаш;

– ихтиёрий тиббий сугурта доирасида тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш;

– тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида соғлиғига зарар етказилган тақдирда қўйилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши;

– ҳуқуқини ҳимоя қилиши учун ҳуқуқни адвокат ёки бошқа қонуний вақил қўйилиши.

Ҳуқуқлари бузилган тақдирда бемор ёки унинг қонуний вақили бевосита даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсига, юқори бошқарув органига ёки судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги фикрларимизнинг мантқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли Фармони ҳамда «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сонли Қарори бўйича республикамиз тиббиёт тизими муассасаларида амалий ишлар қилиниб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш изчиллик билан олиб борилмоқда. Инсон соғлиғи ва унинг манфаатлари давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири экан, бу борада астойдил меҳнат қилиш ҳар бир тиббиёт ходимининг бурч ва масъулиятидир.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатни Ибодат СОАТОВА тайёрлади.

Умумий амалиёт шифокорларига амалий ёрдам

ДИФФУЗ ТОКСИКЛИ БЎҚОҚНИ ХИРУРГИК УСУЛ БИЛАН ДАВОЛАШ

ДИФФУЗ ТОКСИКЛИ БЎҚОҚ

Диффуз токсикли бўқоқ (Грейвс, Базедов, Перри, Флайяни касаллиги) – аутоиммун касаллик бўлиб, оқибатда гипотиреоид тиреотроп гормони (ТТГ) рецепторига нисбатан антителолар ишлаб чиқарилиши билан кечади, қалқонсимон безнинг (ҚБ) клиник бузилиши натижасида экстрагиреоид патологияга боғланган ҳолда эндокрин офталмопатия (ЭОП), претибиал микседема, акропатия биргаликда тиреотоксикоз синдромининг авж олиши рўй беради. АҚШ ва Англияда йилга ДТБнинг учраш ҳолатлари 100000 аҳоли сонига 30 дан 200 нафаргача учрайди. ДТБ билан аёллар 10-20 марта кўпроқ касалланади. Йод билан меъёрий таъминланган ҳудудларда ДТБ доимий тиреотоксикоз учун асосий сабаб бўлади, йод етишмаган ҳудудларда эса токсик бўқоқ этиология структурасининг ичида ДТБ билан ҚБнинг функционал автономияси (туғули ва кўп туғули токсик бўқоқ) ўзаро рақобатлашади.

ДТБ мультифакториал касаллик ҳисобланиб, иммунли таъсирининг генетик ҳусусиятлари таъкир муҳит факторининг омиллари фониди намойён бўлади. ДТБнинг келиб чиқишида ҳудудий жойлашиш ва генетик мойиллик билан бир қаторда, руҳий социологик муҳит омиллари ҳам муҳим аҳамият касб этади (HLA-B8, DR3 ва -DQA1*0501 галлотипини таъкир юрувчи европалликларда). Юқумли ва стресс омилли тўғрисидаги мунозаралар олдиндан юртилади, ишнинг маъмулий йўналиши ҚБ антигенлараро «молекуляр мимикрияси», ретробулбар тўқимаси ва стресс-протеин ва бактериялар антигени (Yersinia enterocolitica) назариясига келиб тақаллади. Эмоционал зўриқиш ва чекиш каби экзоген омиллар, ДТБга нисбатан генетик мойилликнинг авж олишига ёрдам беради. Чекиш ДТБ ривожланиш хавфини – 1,9 мартага, ДТБда ЭОП ривожланишини – 7,7 мартага оширади.

ДТБ айрим ҳолатларда бошқа аутоиммун эндокрин касалликлар билан бирга келиши мумкин (қандили диабетни I типи, бирламчи гипокортицизм); бундай бирикмани аутоиммун полигландулар синдромининг II типи деб белгилаш қабул қилинган.

Иммунологик толерантликнинг бузилиши натижасида, аутореактив лимфоцитлар (CD4+ ва CD8+ Т-лимфоцитлар, В-лимфоцитлар) адгезив молекулалар билан (ICAM-1, ICAM-2, Е-селектин, VCAM-1, LFA-1, LFA-3, CD44) қалқонсимон без паренхимасини инфильтрациялайди, антигенлар қаторини эслаб қолади, улар эса дендрит таначалари, макрофаглар, В-лимфоцитлар ва HLA-DR-экспримирацияловчи фолликуллар таначалар билан намойиш қилинган. Кейинчалик цитокинлар ва сигнал берувчи молекулалар В-лимфоцитларнинг антиген специфик стимуляциясини инцирлайди, бунинг натижасида тиреотоксикларнинг турли хил компонентларига қарши специфик иммуноглобулинлар ишлаб чиқариш бошланади.

ДТБ келиб чиқишида асосий этибор ТТГ (АТ-рТТГ) рецепторларига нисбатан стимуляцияловчи антителолар ҳосил бўлишига қаратилади. Бу антителолар ТТГ рецепторлари билан боғланади, уларни тўқима ички тизимини (цАМФ ва фосфоинозитоллар каскадлари) ҳаракатга келтириш орқали фаол ҳолатга келтиради, улар эса ҚБда йод-

тиреостатиклар билан консерватив даволаш (тионамидлар гуруҳидаги препаратлар, тирозол, матимазол, метизол, пропилитиоурацил ва бошқалар), радиоактив йод билан ва хирургик усули билан даволаш. Ҳар бир усул ўз ижобий томонлама, камчиликларини ва асоратларига эга (1-жадвал).

1-жадвал

ДТБни даволашдаги асосий усулларнинг ижобий томонлари ва камчиликлари (P. Weetman)

Натижалар	Тиреостатиклар	¹³¹ I терапияси	Хирургик усул билан даволаш
Биринчи йилдаги бўғича даво сифатидаги самардорлиги	1 йил давомида 40-50%	80-95%	> 95%
Эутиреоз ҳолатига эришиш	3-6 hafta	4-8 hafta	Тиреостатиклар билан таъбирас мумкин
Гипотиреоз	15 йилдан сўнг 15%	Даволаш боғлиқ ҳолда (1-йилда 10-20%, келгусида баъзида 5% дан)	Тотал тиреоектомиа 100%
Ноқуя таъсирлари	5% - кам, < 1% - оғир	< 1%	1-2%
Ҳомилдорларда	Даволашнинг таътирининг	Қарши қўрсатма	Иккинчи тиреостатик бўлиш мумкин
Катта бўғичаларда	ДТБ рецидивининг юқорилиги	Юқори фолликуллар қўлланганида зарур	Тез самара беради
Офталмопатия	Самара беради	Оғирлашган мумкин афвасқа чекунчалар	Касалликнинг яқинидаги таъсир қосмайд
Бошқаларда	Биринчи натижага даволаш учун таътирини	Учинчи натижага даволаш учун таътирини	Иккинчи натижага даволаш учун таътирини

нинг тутилишини стимуллайдиган тиреоид гормонларни синтез қилади ва чиқариб юборади, шунингдек, тиреостатикларни пролиферациялайди. Бунинг натижасида, ДТБнинг клиник кўринишидаги етакчи бўлган тиреотоксикоз синдроми авж олади. ДТБга беморларни консерватив терапия ёки қалқонсимон без субтотал резекциясидан кейинги рецидив ва ремиссия ҳолатларини баҳолаш учун рТТГга нисбатан антителоларни аниқлаш мумкин. P. Vitti ва ҳаммуаллифлар Грейвс касаллиги туфайли тиреостатиклар қабул қилган 306 беморнинг қон зардобини текширганлар. Тиреотоксикоз рецидив рТТГга нисбатан антителолар титри юқори бўлган 85 % беморда аниқланган. V. Michelangeli ва ҳаммуаллифлари таъкидлашча, агар терапиянинг биринчи 12 ой давомида рТТГга нисбатан антителолар микдори камайса доимий ремиссияга эришиш эҳтимоли 73 %ни ташкил қилади. N. Takassu ва ҳаммуаллифлари тиреостатик терапия олган ДТБ бор 58 нафар беморни текшириб шундай хулосага келишган, яъни рТТГга нисбатан антителолар титрининг режага камайиши тезроқ ремиссия ҳолатига олиб келади, антителолар микдорининг мураккаб ўзгаришлари, ҳаттоки умуман йўқолиб кетишлари эса, рецидивнинг сезилари тарзда кўпайиб боришига олиб келади. Шу билан бирга, даволашнинг якунида рТТГга нисбатан антителони аниқлаш муҳимроқ саналади. Антигиреоид терапия тугатилгандан сўнг, рТТГга нисбатан антителолар мавжудлиги, кейинги 3 йил давомида рецидив хавфини авж олиши деярли 90 % ташкил қилади (Michelangeli V. P. ҳаммуаллифлари билан). ҚБ субтотал резекциясидан кейинги рТТГга нисбатан антитело титрига қараб ДТБ рецидивининг авж олиш хавфини баҳолаш қилиш мумкин. O. Torring, P. Miccoli, K. Sigino, J. Witte ҚБ субтотал резекциясидан кейин рТТГга нисбатан антитело титри кўпайганини аниқлашган.

Ҳозирги даврда ДТБни даволашнинг 3 хил усули мавжуд.

Ҳар бир даволаш усулининг мақсади тиреотоксикоз симптомларини бартараф этиш, ўлим ва касаллик ҳолатларини камайтириш, даволашнинг қийматини арзонлаштиришдир.

ДТБни даволашнинг энг оптимал усулини танлашда турли хил муаллифларнинг фикри ўзаро фарқланади. Барчага маълумки, тиреостатиклар билан 2 йил давомида даволаш лозим, бу вақтда фақат 30 % беморда касалликнинг иммунологик ремиссия ҳолати вужудга келади. Радиоактив йод ва жаррохлик усули билан даволаш радикал даволаш усулларига киради. Лекин, буларнинг ҳар бирини қўллаш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган қўрсатмалари мавжуд. Операция учун қуйидагилар асосий қўрсатма бўли олади: 1) катта бўқоқ; 2) тиреотоксикознинг тез-тез қайталанувчи рецидивлари, медикаментоз ва радиойодтерапиянинг самарасизлиги; 3) бўқоқ малигнизацияси; 4) медикаментоз препаратларга аллергия реакциялари. Қарши қўрсатмалар: 1) беморнинг операциядан бош тортиши; 2) хилпиловчи аритмия билан ривожланиб борувчи тиреотоксик юракнинг авж олиши; 3) оғир йўлдош соматик патологиянинг мавжудлиги.

D. Linos ва ҳаммуаллифлари турли хил даволаш усуллари ва беморларнинг даволаш натижасига бўлган муносабатларига асосланган ҳолда, касалланиш ва ўлим ҳолатларини таҳлил қилиб қуйидаги хулосага келдилар, яъни айна операция тиреотоксикознинг барча шакллари, шу билан бирга ДТБ учун ҳам даволашнинг энг асосий усули бўлиши керакдир. Ҳозирги кунгача ҳаёот адабиётларида қайси операция усули қулайроқлиги – ҚБнинг субтотал резекцияси ёки тотал тиреоектомиа ҳақидаги баҳслар давом этмоқда.

МДХ давлатларида хирургик қалқонсимон без субтотал резекцияси усулини қўллайдилар, Европа, АҚШ, Япония, Осмё мамлакатларида эса тотал тиреоектомияни қўллайдилар. Жарроҳлар турли хил операция усуллари танлашларида нима асос бўлади? Субтотал тиреоектомия тарафдорлари (В. О. Бондаренко, В. Г. Аристархов, 2001) таъкидлашча, операциядан кейин:

1) беморларда операциядан кейинги гипотиреоз сони камайди; 2) операциядан кейинги гипотиреоз сони 30 % ташкил қилади; 3) қолган 60 % беморлар яхши ҳаёт кечиради; ДТБ рецидивини юқори эмас, 10-15 %.

Тотал тиреоектомия (P. Miccoli, T. Okamoto, 2000, J. A. Sureide, 1996, J. Witte, 2000, T. K. Palit, 2000, N. Kurihara, 2002) тарафдорлари таъкидлашча, операциядан кейин: 1) эндокрин офталмопатиянинг оғирлашуви ва ёмонлашуви содир бўлмайди, 60-70 % ҳолатларда эса яхшиланши кузатилади, 2) тиреотоксикоз рецидивини авж олмайди (ҚБ субтотал резекциясидан сўнг 20 йилдан сўнг 40 % беморда тиреотоксикоз рецидивини авж олади бу эса операциядан кейинги асоратларни қўлайтирувчи ва даволашни қийматлаштирувчи такрорий операцияни талаб этади), 3) операциядан кейинги гипотиреоз асорат эмас, балки қўлайлаётган ва меъёрий натижаси ҳисобланиб, уни тиреоид препаратлар ёрдамида осон компенсация қилиш мумкин, 4) операциядан кейинги эрта ривожланган асоратлар (қайтувчи нервнинг нишони ва фалажи, доимий ва транзитор гипопаратиреоз, қон кетиши) сони тотал тиреоектомияда ҚБ субтотал резекциясига нисбатан ортамайди. Хорижий муаллифлар тиреоектомияни қайтувчи нерв ва барча қалқонсимон без олди безларини олдиндан ажратиб олиш орқали баҳаришни тасвия қилади. Шунингдек, улар операция давомида қалқонсимон артерияларни ажратиб олиш ва боғлаб боришни маслаҳат беришади. Охириги вақтларда Россияда В. В. Фадеев, В. Э. Ванушко ҳам ДТБ бор беморларда субтотал олди ёки тотал тиреоектомияни бажаришни тасвия қилмоқдалар. Улар операциядан кейинги гипотиреоз асорат эмас ва уни тиреоид гормонлар қабул қилиш орқали компенсация қилиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

ОПЕРАЦИЯ ОЛДИ ДОРИЛАШ БИЛАН ДАВОЛАШ

Декомпенсацияланган ДТБ бор беморларга тиреостатик препаратли консерватив терапия тасвия қилинади – мерказолил (тирозол) 1 суткада 30 мг дозада, шу билан бирга симптоматик терапия (1-2 литр микдоридаги суяқликни в/и қуйиш, витаминотерапия, седатив терапия зарур бўлганда глюкокортикоидлар). Операцияга тайёрланиш учун бизнинг беморларга 95±2 кун керак бўлди. Дорилар билан эутиреозга эришиш критерийлари бўлиб, умумий ҳиссиётнинг яхшиланиши, вазнининг меъёрлашуви, юрак қон-томир тизими (юрак қисқаришлари сони 80 зарба/дақиқадан кўтарилмаган), рефлексометрия (0,34 м/сониядан кам бўлмаган), ТТГ микдори (5 моль/л дан юқори).

Зарур ҳолатда плазмаферез амалга оширилади. Тиреотоксикознинг компенсациясига эришиш учун ўртача 120-200 кун керак бўлади. Афсуски, тиреостатиклар «струмоген» эффектга эга бўлиб, ҚБнинг катталаниши ва қон билан тўйинишига олиб келади. Бу эса операция жараёнида қўшимча техник қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун медикаментоз эутиреозга эришгандан биз беморларга 2 hafta давомида 7-10 томчидан кунига 3 маҳал безнинг қон билан тўйинишини камайтириш учун Люголь эритмасини рег ос тасвия қилдик. Шунинг таъкидлаш лозимки, юқоридаги даволаш усули ти-

реотоксикознинг оғирлик даири беморларда ўтказилди. Ушбу даволаш усули билан тиреотоксикоз ҳисобига ривожланиб бораётган ички аъзолардаги оғир органик асоратлар даволаш орқали тўхтатилди. Анестезиолог кўрувидан сўнг, қарши қўрсатмалари бўлмаган, операция ўтказилди. ҚБда 20 йил давомида бажарилган операцияларнинг ҳеч бирида тиреотоксик криз ва ўлим ҳолатлари юз бермади.

Беморларимиз учун операцияга қўрсатмалар қуйидагиларга асос бўлди:

1) Медикаментоз терапия кўрсатилган кейинги тез-тез такрорланувчи ДТБ рецидивлари.

2) Бўқоқнинг катта ҳажми (ҚБ ҳажми 45 мл дан катта).

3) Тиреостатикларга аллергия ва токсик (лейкопеник) реакциялар.

4) Хавфли ўсмага тахмин.

ХИРУРГИК УСУЛ БИЛАН ДАВОЛАШ ТАВСИФИ

Медикаментоз эутиреозга эришилгандан сўнг, барча ДТБ бор беморларда О. Н. Никольев усулини қўлланган ҳолда тотал тиреоектомияни бажариш [23]. Беморнинг операция стол устидаги ҳолати горизонтал бўлиб, куракларининг остига валик қўйилди ёки универсал столнинг валиги қўйилди. Боши орқага ташланди. Буйин максимал даражада эгилди. Операция столни бош танадан баландроқ бўлиши учун эгдик ва бу билан бош ва буйин соҳаларида қон ивиб қолиши ҳолатининг олди олинди.



1-расм. Ташқи халқум нервнинг анатомияси.

Операция эндотрахеал наркоз остида ўтказилади (зарур ҳолатда анестезиолог томонидан гемотрансфузия бажарилди). Кохер бўйича буйин олдидинги юзасининг пастки таққидан 1-2 см юқорисидан ёқсимон кесиш орқали бажарилди. Тери, тери ости тўқимаси, платизмасы кесилгандан сўнг қисқичлар ёрдамида майда томирлардаги қучли қон кетиш тўхтатилади. Қисқичлар қўйилгандан сўнг коагуляция



2-расм. Кайтувчи халқум нервнинг анатомияси. А В.

қилинади. Буйиннинг иккинчи фасцияси қўламидан буйиннинг олдинги ковак веналари тикилади ва боғланади. Кўкрак-тилошти ва кўкрак-қалқонсимон мушаклар кесилди ва қалқонсимон без очилиб, мушаклардаги қон кетиш ҳам

(Давоми 5-бетда).

ДИДФУЗ ТОКСИКЛИ БЎҚОҚНИ ХИРУРГИК УСУЛ БИЛАН ДАВОЛАШ



3-расм. Қайтувчи ҳалқум нервнинг анатомиси.

коагуляция орқали тўхтатилади. Ушбу этапда бўйиннинг тиреоид олди мушакларини эҳтиёткорлик билан кесиш лозим, чунки кўпича қалқонсимон без мушаклар билан бирикки кетган бўлади ва қалқонсимон безнинг кенгайган веналарини хирурглаш мумкин. Бу эса катта қон кетишга сабаб бўлиши мумкин. ҚБни ажратиш бўйинчадан бошланади. Йўғон ип ёрдамида юмалоқ игна билан бўйинча икки ён атрофидан лигатура қўйиб тикилади, скальпель ёрдамида иккала лигатура орасидан ўрта чизиқ бўйича трахеянинг устидан кесилади, трахеяга жароҳат етмаслиги учун манпуляция эҳтиёткорлик билан бажарилиши керак. ҚБ мобилизацияси турлича амалга оширилади. Айрим хирурглар юқори қалқонсимон артерияларни боғлаш ва кесишни тавсия қилишади. Бу билан қалқонсимон безнинг кўпроқ ҳаракатчанлигига эришилади. Бошқалар эса мобилизацияни пастки кўтдан бошлайдилар. Биз қалқонсимон без мобилизациясини операция вақтидаги ҳолатга қараб биринчи ёки иккинчи усул билан бажарамиз. Мобилизация қалқонсимон безнинг катта бўлагидан бошланади. ҚБ операциясида хирургни тортиб туриш зарур, шунинг учун биз олиб ташланган бўлакка ип ушлагичларни қўямиз. Бўлак «оддий» ёки «З-симон» тикилади. Ип қўйиб юбормаслиги учун тагига марля шариқ ёки кичкина салфетка қўйилади. Зарур бўлганда бир қанча ип ушлагичлар қўйилади. Шунингдек, латерал веналарни кесиш тавсия қилинади, бундан сўнг бўлаклар ҳаракатчан бўлиб қолади. О. Н. Николаев усули бўйича ҚБнинг тотал субфасциал резекцияси бажарилади. Бўйиннинг 4 фасцияси қўламадаги парияетал ва висцерал пардалар орасидаги томирларга қисқичлар қўйилади. Шунга эслатиш жоизки, 4-фасциянинг парияетал ва висцерал пардалари орасидаги томирлар майда. Имкон бўлганда қалқонсимон артерияларнинг катта шохларини қалқонсимон безга айнаган тўшаётганда қисқичларга олиш зарур, бу билан ҳалқум нерви ва қалқонсимон без олди безларининг жароҳатланишини олдини олади (1-, 2-, 3-расмларга қараган). Катта бўлакларда бажарилмаган операцияларда, аяниқса, бу усулга қатъий риоя қилинади. Бунда қалқонсимон без атрофидидаги тўқималар трахея билан қўйилиб кетган бўлиб, Люголь эритмаси қабул қилинган бўлса ҳам катта қон кетиш хавфи туғилади. Ушбу операция усулида қайтувчи нервлар ва қалқонсимон без олди безларининг жароҳатланиши юз бер-

майди. Гемостаз бажарилади. Жароҳат ўрнида резинали ўтказгичлар қолдирилиб қаватма-қават тикилади. Операциядан сўнг 3-суткада жароҳатдаги чоклар олинади.

